



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2011 йил  
5 январь  
ЧОРШАНБА  
№ 2  
(12.326)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## БАЙРАМ ЯРМАРКАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Янги йил байрами давом этаётган паллада мамлакатимиз миришкор ва соҳибкорлари шаҳарликларни ўзига хос совғалар билан хурсанд этишмоқда. Буни жойларда давом этаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари мисолида кўриш мумкин.

Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Қўйлик" дехқон бозорида ташкил этилган ярмаркага айна пайтгача беш минг тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилган.

Бу шаҳарликларнинг байрам дастурхони тўқинлигини таъминлаш билан бирга бозорлардаги нарх-наво асосини ошириб кетишининг олдини олишга хизмат қилади, дейди бошқарма бошлиғи Аваз Болтабоев. Вилоятимиздан кунига юз тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари белгиланган жадвал асосида ярмаркага етказиб берилмоқда. Зангиота, Қўрай, Чиноз, Оққўрғон, Бекобод ва бошқа қатор туманлардан келтирилаётган картошка, полиз ва узум, гўшт, асал, товук, балиқ ҳамда қайта ишланган консерва маҳсулотлари нисбатан арзон нархларда сотилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмаркасида фермерлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Л. СУВОНОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

### 2011 ЙИЛ - КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ



**ЎЗИМИЗНИНГ «КАМИЛКА»**

**Юқоричирчиқ туманидаги "Тано" фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш цехи бир кунда 2,5 тонна маҳсулот тайёрляпти. Келгусида Италиядан янги технологик линия олиб келина, ишлаб чиқариш қуввати 10 тоннагача етади. Хўжалиқда 225 бош ситирдан кунига 4-4,5 тонна сут соғиб олинмоқда.**

Цехдан чиқаётган "Kamilka" савдо белгили творог, йогурт, қаймоқ, сметана, кефир, хуллас 11 хил маҳсулотларнинг сифати мижозларга манзур бўляпти.  
СУРАТЛАРДА: қadoқловчи Дилафруз Сотволдиева; маҳсулотлар харидорини кутмоқда. Собир ЗУФАРОВ ва Даврон АХМАД олган суратлар.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ЧИНОЗ ТУМАНИ

### СПОРТ - САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Туман ҳокимлигида болалар спортини ривожлантириш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълим бўлими ходимлари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, мактаб директорлари ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирок этишди.

Йиғилишда 46 та мактаб ва 2 та мактаб-интернатда жисмоний тарбия дарсларининг ўтилиши, спорт иншоотларининг ахvoli, жиҳозлардан унумли фойдаланиш масалалари таҳлил этилди.

### ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ҲОМИЙЛАР КўМАГИ

"Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорлигида хайрия марафони уюштирилди. Унда мурувватли хомийлар икки мингдан зиёд ўзгача парварниши ҳамда ижтимоий Ҳимояга мухтожлар

ва кам таъминланган оилаларга кўмак бериш мақсадида маблағ ажратдилар. Ю. ФАЗЛИДИНОВА.

### БўКА ТУМАНИ

### ДАСТУРХОНЛАРДА ИССИҚ НОН

"Муштарийбону - Файз" масъулияти чекланган жамияти қошида қолипчи нон тайёрлаш йўлига қўйилди. Тайёрланаётган маҳсулот тумандаги 5 та дўконга етказиб берилмоқда. Кунига 2 минг дона нон

чиқариш қувватига эга цехда маҳсулотни кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш режалаштирилмоқда.

### ЗАНГИОТА ТУМАНИ

### КўРКАМ КўЧАЛАР

Туркистон қишлоғининг 5 километр узунликдаги Рамадан кўчасига асфальт ётқизилди. "СМНК - 100" масъулияти чекланган жамиятининг йўл таъмирлаш ишларига

650 миллион сўм маблағ сарфланди. Ирода МАКСУД қизи.

"Ўзбекистон - шарқ мамламати, сирли ва гўзал диёр... Бу серкўш, ҳаётбахш заминга илк бор қадам босган онларимдаёқ унинг хузурибахш тафтини ҳис этганман. Кенг кўчалар, замонавий, мухташам осмонўпар бинолар, ям-яшил боғлар, гўзал, сокин

хиёбонлар, бетакрор санъат ва маданият қошалари, мезморий ёдгорликлари, дунё бозорини эслатадиган савдо мажмуалари, шарқона бозорлари... Беқалъис гўзаллик ва тинчлик ўлкаси Муस्ताқил Ўзбекистон қалбимни ром этган..."

## БАРҚАРОР ТИНЧЛИК, ОМАД, ФАЙЗУ БАРАКА ЙИЛИ БўЛАЖАК

Хорижлик дўстларимиздан бири, италиялик оlima Антоньетта Гоббиннинг холисона, самимий айтган бу дил ихзорлари кўнглимизни, кўксимизни фахр ва гурур туйғуларига тўлдирди. Бундай мулоҳаза бизнинг муқаддас тупроғимизга қадам қўйган ҳар бир меҳмонимизнинг кўнглидан ўтиши табиий. Истиқлол шарофати билан улғурорлик касб этган Муस्ताқиллик майдони, Амир Темур хиёбони каби гўзал масканларни кезиб, юз-кўзида хайрату ҳавас балқиб турган чет эллик сайёҳларга қараб туриб, вужудимизни шукроналик, ифтихор туйғулари эгаллайди.

Бир қарашда фикрларимиз гўё баландпарвоз сўзларга ўшаб кўринади. Лекин, улкан орзуларга бешиқ бўлаётган тинч, осуда, фаровон ҳаётни берган Ватан паҳолида кўтулгў Янги йилмизни кўтиб олганимиз айна ҳақиқатку! Юртбошимиз Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриғида таъкидлаганларидек "...ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туйғули вазиёт тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжихатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим" эканлигини асло унутмаслигимиз лозим...

"Бағрикенг, меҳмондўст Ўзбекистон халқининг юзларида нури бор, чехраси куёш каби чарақлаб туради", дейди яна бир хорижлик дўстимиз. Ана шунақа, тинчлик куёшининг тафти бошқача бўлади-да! Қолаверса, инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган мамлакатимизда яшаш ва ишлашнинг ўзи кишига руҳий кўтаринкилик, куч-қувват бахш этади. Бугунги кунда вилоятимизда истиқомат қилаётган 2,5 миллиондан зиёд аҳолининг деярли барчаси жамиятда ўз ўрнига эга, давлатимиз эътибори, гамхўрлигидан баҳраманд. Юртбошимиз фармон ва қарорлари ижроси доирасидаги кўламли ишларнинг фаол иштирокчиси. Ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, халқ таълими, тиббиёт, маданият соҳасидаги ютуқлар салмоқли, келгусидаги режалар залворли. Шу ўринда улкан ислохотлар, бунёдкорлик ишларида эркаларимиз билан ҳамкор, ҳамқадам бўлиб, елкама-елка меҳнат қилаётган хотин-қизлар фаолияти ҳақида сўзлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, аҳолининг ярмидан кўпроғи аёллар. Қолаверса, мамлакатимизда хотин-қизларга, аёлларга бўлган эътибор бошқа давлатлардагидан ўзгача. "Хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш", "Соғлом она - соғлом бола", "Репродуктив саломатлик", "Онаник ва болаликни муҳофаза қилиш", "Соғлом авлод учун", "Баркамол авлод" йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлар, (Давоми 2-бетда).

## ҲАРАКАТЛАР БЕЖИЗ КЕТМАДИ

Ўтаётган ҳар бир йилнинг ҳаётимизда ўз ўрни бор. 2010 йил ҳам биз учун самарали бўлди. Таълим соҳасидаги ўзгаришлар педагог ходимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун ҳар биримиз тинмай меҳнат қилишимиз, ўз устимизда кўпроқ ишлашимиз лозим.

Баркамол авлод йилида мактабимизда режалаштирилган ишлар тўла рўёбга чиқди. Ўқувчиларимиз спортнинг турли йўналишларида, жумладан, бокс бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, совринли ўринларни олишди.

Мактабда ҳар ойда ўтказиладиган фан ойликлари ўқувчиларимизнинг фанларга қизиқишини орттирмоқда. Олти ўқитувчимиз тумандаги 18 ўқитувчига ўстозлик қилмоқда. Мактабимизнинг вилоятда таянч мактаб деб тан олинши бежиз эмас.

Ўтган йил оиламга ҳам қувонч келтирди: "Шухрат" медалига сазовор бўлдим. Мен фаолият кўрсатаётган мактаб педагог ходимларининг ҳам режалари улкан. Уларнинг мақсади таълим соҳасида янгиликлар яратиш, ёшларимизни биллимли, маънавийлиги қилиб тарбиялаш. 2011 йилда Ватанимизнинг яхши ниyatли халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдирдиман. Янги йил барчамиз учун кўтулгў йил бўлсин!

Жамила ОЧИЛОВА,  
Чиноз туманидаги 1-умумтаълим мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директори ўринбосари.

## Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### ВИЛОЯТ ҲУДУДИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КўРИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1999 йил 9-сон 215-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2006 йил 14-сон 113-модда; 2007 йил 14-сон 131-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида" - ги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 йил 1-2-сон 17-модда; 2004 йил 17-сон 199-модда; 30-сон 345-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент вилояти ҳудудида вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлиналари томонидан транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ишларини амалга ошириш ташкиллаштирилсин.

2. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриқдан ўтказилишида қўйидаги даврийликка риоя этилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташуш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан орттиқ бўлган (хайдочиларнинг ўрнидан ташқари) автомобиллар, одамларни мунтазам ташуш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габа-ритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташуш учун махсус транспорт воситалари ва улларга тиркамалар - бир йилда 2 марта шундан биринчиси 2011 йил 1 мартдан 30 июнгача, иккинчиси 1 сентябрдан 31 октябргача;

б) ишлаб чиқарилганлиги беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киреди) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалардан ташқари) - икки йилда 1 марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлиги беш йилдан орттиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалардан ташқари) - бир йилда 1 марта;

г) тиркамалар кўриққа транспорт воситаси-шатакчиси учун белгиланган муддатларда тақдим этилади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб уллардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилмайди (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалардан ташқари).

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 2011 йил 1 мартдан 30 июнга қадар, жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 январдан 31 августга қадар ўтказилади.

3. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А. Муллажонов):

- йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг шахар ва туман бўлиналари ҳамда ички ишлар бўлимининг бошқа хизмат ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг тўлиқ мажбурий техник кўриқдан ўтказилишини таъминласин;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташуш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 294-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида

(Давоми 2-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ВИЛОЯТ ҲУДУДИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Автомобиль транспортда йўловчилар ва багаж ташиниш қондаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиниш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида” 482-сонли Қарорлар ижросини таъминлаш, йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, вилоятдаги барча тижорат асосида йўловчи ташиниш фаолияти билан шугullanувчи юридик шахслар тасарруфидаги, ишлаб чиқарилган йили 2000 йилгача бўлган автобус ва кичик автобусларнинг (Ангрен ва Олмалик шаҳарлари, Пискент, Бўка ҳамда Оҳангарон туманларида мавжуд бўлган, ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, барча турдаги автобус ва микроавтобусларнинг) мажбурий техник кўриги Олмалик шаҳридаги 1-сонли Диагностика тармоғида ўтказилиши ташкилланганини;

лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти (Э. Азизов); – йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ишларини ташкил этсин. 6. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш тақиқлансин. 7. Юридик шахслар раҳбарлари мажбурий техник кўриқ бошланғичдан камидан 10 кун олдин виллоят ИИБ ЙХХ бошқармасининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими ҳамда туманларо рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмаларига (РИБ, ТРИБ) улардаги мавжуд транспорт воситалари ҳақидаги далелатномани таққослаш учун тақдим этсинлар ва уларга техник кўриқ учун белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтсин. 8. “Агросуғурта” Давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент виллоят дирекцияси (О. Файзиёв) ва виллоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган бошқа сугурта ташкилотларига: – йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва унинг

Паркент туманида 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг илк кунларида ўтказилган давра суҳбати тадбир доирасида ташкил этилган, туман ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари кўз-кўз этилаётган кўргазмани томоша қилиш билан бошланди. Бу ерда Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини чет элларга танитаётган корхоналар билан танишиш мумкин. – Маҳсулотларимизга Германия, Туркия ва Италия мамлакатларида талаб катта, – дейди тумандаги Қорақалпоқ қишлоғида фаолият



ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ ДАВРИ



кўрсатаётган “Бер-Ад Агро” корхонаси директори Миррахим Одилов. – Биз асосан турли нав узумлардан Европа андозлари талабига ҳавоб берадиган майялар тайёрлаб, экспорт қиламиз. Кунига 25 тоннадан зиёд маҳсулот чиқарамиз. Хом ашё ва тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш, саралаш, ишлов бериш ва қадоқлашни Бельгиядан келтирилган технология линиямиз бажаради. Паркент туман тадбир-

нов, Нафосат Адашева каби моҳир ўқувчиларимиз тиккан энг яхши каштачилик намуналарини олиб келганмиз. Тадбирнинг “Файз” ресторанида ўтаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, 500 ўринли ушбу ресторан ҳуқуқатимизнинг хусусий тадбиркорлик учун яратган кенг имкониятларидан самарали фойдаланаётган “Олмос” МЧЖ корхонасининг туман аҳлига хизмат кўрсатишини яхшилаш йўлидаги муҳим қадами бўлди. Умуман олганда, бу каби кичик бизнес вакиллари туманда 3000 дан ошди. 2010 йилда улар 2862 та янги иш ўрни яратди. 2008 йилда 8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилнинг 9 ойда бу кўрсаткич 26 миллиард сўмга етди. Янги йилнинг Ўртбошимиз ташаббуси билан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилингани Паркент тадбир-

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди бир қатор тадбирларни амалга оширди. Қуни кеча Тошкент виллоятининг Бўка туманидаги Қорақўйли қишлоғига тоза ичимлик суви келтирилди. Тақдимот тадбири “ЭКОСАН” фонди ва Туркиянинг ҳамкорлик ва тараққиёт идораси – “ТИКА” томонидан ташкил этилди. Бу ишларга 27 миллион сўм мблаг сарфланди. “Қорақўйли” маҳалла оқсоқоли Рустам Ҳайдаров ва маҳалла фаолиларидан Сайдахмад ота Шарофзонов мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларида ушбу қишлоқ аҳли ҳам фаол иштирок этаётгани, бугунги саъй-ҳаракат эса аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиб, соғлом турмуш тарзини яхшилашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига ишонч билдирди. Мирқосим МИРСОУРОВ, “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди жамоатчилиги билан алоқалар бўлими бошлиғи.

Вилоят ҳокими 2010 йил 30 декабрь.

Р. ХОЛМАТОВ.

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК, ОМАД, ФАЙЗУ БАРАКА ЙИЛИ БЎЛАЖАК

виллоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси бошличилигида ўтказилган турли маънавий, маърифий-тадбирлардан мақсад ҳам аёлларга кўрсатилаётган эътибор, ҳурмат, эҳтиром белгиси. “Оналар куйлаганда”, “Спортимиз маликалари”, “Қамолот гунчалари”, “Энг намунали оила”, “Ибратли келин”, “Мен Шарқ қизиман”, “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан”, “Миллий либос менинг гурурим” каби танловлар эса ҳар соҳада фаол, иқтидорли хотин-қизларни кашф этиш ва рағбатлантиришга қаратилган. Шунингдек, кексаю ёшга “Меҳр нури”ни бериб, “Янги авлодни” қомиллик чўққиларига етаклаётган, аёлларимизга “Биз сенинг ёнингдасан” дея мадад бўлаётган “Аёллар кенгаши”нинг “Йил аёли” танловида кашф этилаётган энг зукко ва оқила аёлларнинг уч нафари (Гулнора Тўхта Назарова, Зарифа Шокирхонова, Саида Мирзараҳимова) виллоятимиз вакиллари эканлиги замон билан ҳамнафас, интеллек-

туал салоҳиятли хотин-қизларимиз сафи кундан-кунга кенгаётганидан далолат. Шу ўринда баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган “Меҳнат шухрати” ордени нишондори Раиса Петрова (Олмалик), “Соғлом авлод учун” ордени эгаси Мурават Баратова (Бекобод), “Шухрат” медалга соҳибалари Фаридан Набиева (Ангрен), Мукаррам Темиров (Ангрен), “Миллий либос менинг гурурим” каби ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари ўтган йилда муносиб рағбат топанлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Қутлуг кунда эришган ютуқларимиз, ҳали давом этадиган хайрли амаллар ҳақида сўзлаш одатий ҳол. Шу маънода виллоятимизнинг фидокор шифокорлари, жонқуяр ўқитувчи ва мураббийлари, эл-юрт саодати йўлида жон куйдирган олимпиада тадбиркор, ишбилармон аёллар фаолияти ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Аёллар спорти ҳақида гап кетганда, нафақат виллоятимиз, балки мамлакатимиз шаънини химоя қилаётган спортчи хотин-қизлар ютуқларини

таъкидлаш жоиз. Айниқса, гимнастикани кизларимиз Фотида Давлатова, Вика Ким, Нодира Расуллова, Зарина Абияметоваларнинг маҳоратига чет эллик дўстларимиз ҳам қўйил қолганлиги рост. Ҳозирги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири бандлик масаласи хотин-қизлар тадбиркорлиги, хунармандчилигини ривожлантиришни тақозо этади. Яратилган 45 мингга яқин янги иш ўринлари аёлларимизнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеини таъминлаши шубҳасиз. Тадбиркорлик бобида ўз фаолиятини тўғри йўлга қўя олган, виллоят, республика миқёсида танилган ишбилармон аёлларимиз (Гўзал Шукурова, Гулнора Маҳмудова, Зарифа Баходирова, Гулнеҳра Пулатова, Сайёра Мўминова, Раъно Бобоева, Дилбар Турсунова) сафи Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада кенгайиши шубҳасиз. Сайёра РИХСИЕВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири.

Баркамол авлод – соғлом келажақ демокдир. Бунга эришиш учун биринчи навбатда оилада соғлом турмуш тарзи қарор топмои лозим. Шундагина ёшлар ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб камол топади. Келажақ пойдевори ҳам мустақам бўлади.

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Ўртимизда бу борада олиб борилётган саъй-ҳаракатлар самараси эҳқол кўзга ташланмоқда. Ангрен шаҳридаги 43-умумтаълим мактабида “Отам, онам ва мен” деб номланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Тадбир “Маҳалла” хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилди. Мусобақада Ангрен шаҳри маҳаллаларининг фаол оилалари иштирок этиб, гимнастика, узунлик сакраш, арқон тортиш ва аралаш эстафета баҳсларида куч шаншидилар. Қизқарли ва муросасиз кечган баҳсларда Одинаматов ҳамда Сулаймоновлар оиласи голбликни қўлга киритди. Шокир ХАЛИЛОВ.



ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Нилуфар Мирзаевани давримизнинг бахтли ёшларидан бири десак, мулоҳаза бўлмайди. У Оҳангарон шаҳрида ўрта мактабни битиргач, Ангрен шаҳридаги ўрта-маҳсус билим юртининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди. Ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлагач, виллоят давлат педагогика институтига ҳужжат топширди ва тест синаловларидан муваффақиятли ўтди. У ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан ажралиб турар эди.

– Мен зиёлилар оиласида ўсганман, – дейди Н. Мирзаева. – Отам-онам доимо ҳаётда фаол бўлиш кераклигини, ёшларга шундай катта имкониятлар ва имтиёزلар яратиб бераётган Ватанимизга муносиб хизмат қилиш зарурлигини таъкидлашар эди. Бўлғуси ҳуқуқшунос педагог сифатида ўқитувчи ва мураббийлардан таълим олар эканман, бу сўзларнинг замирида катта маъно борлигини яна бир бор ҳис этдим. Бу мени янги оруз ниятлар сари етаклади. Ҳозир, Нилуфар 2-босқич талабаси. У ўтган йилларда бир қатор мақола, маъруза ва чиқишлари билан ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини толиб бораётганлигини исботлади. Унинг “Ангрен ҳақиқати”, “Оҳангарон”, “Оҳангарон ҳаёти” газеталарида чоп этилган “Фуқаролик жамиятида аёлларнинг ўрни”, “Бола маънавияти ва унинг ижтимоий ҳуқуқи”, “Конституция – халқ иродасининг ифодаси”, “Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади” каби мақолалари кўпчиликнинг эътиборига тушди. У институтнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Нилуфарнинг ташаббуси билан олий ўқув юртида ёш педагог-ҳуқуқшунослар гуруҳи ташкил этилди. Бу гуруҳ аъзолари Ангрен шаҳрининг корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларида “Конституциямиз – миллий қомусимиз”, “Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги – олий мақсадимиз” сингари қатор мавзуларда учрашув ва суҳбатлар таш-

ФЕРМЕРНИНГ БИЛИМДОНИ ЯХШИ

МАВСУМОЛДИ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 августдаги Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2010 йил 30 ноябрдаги таъбириги, виллоят ҳокимининг 2010 йил 17 декабрдаги фармойишига асосан деҳқон ва фермер

ҳўжаликлари раҳбар ва мутахассислари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказиш кўзда тутилган. “Қишлоқ ҳўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консултация хизматлар кўрсатиш” компоненти доирасида уюштирилаётган бу машғулотлар 2011 йил 7 январдан бошлаб, қуйидаги жадвал асосида ўтказилади:

Туманлар	Ўқув семинарлари ўтказиладиган марказлар	Давомийлиги ва муддати (14 кун)	Ўқув семинарларини мавзулар бўйича ўтказиш муддати ва санаси							
			Қ/х ўсимликларини касаллик ва зараркунчалардан химоя қилиш усуллари	Ф/хларда пахта ва галла етиштириш	Чорвачиликни ташкил этиш	Бизнес режа тайёрлаш	Бухгалтерия ҳисоби	Қ/х богдорчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишнинг ҳуқуқий ва солиққа тортиш асослари	Сув ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий усуллари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари	Сув ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий усуллари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари
Пискент	Бўка тумани маънавий хизмат кўрсатиш коллежи	7-20 январь	7-8 январь	9-10 январь	11-12 январь	13-14 январь	15-16 январь	17-18 январь	19-20 январь	
Оққўрғон	Ўртачирчиқ тумани ахборот технологиялар ва сервис коллежи	9-22 январь	9-10 январь	11-12 январь	13-14 январь	15-16 январь	17-18 январь	19-20 январь	21-22 январь	
Чиноз	Янгийўл Куйичирчиқ	11-24 январь	11-12 январь	13-14 январь	15-16 январь	17-18 январь	19-20 январь	21-22 январь	23-24 январь	
Оҳангарон	Бўстонлик Паркент Юрчиқчиқ	13-26 январь	13-14 январь	15-16 январь	17-18 январь	19-20 январь	21-22 январь	23-24 январь	25-26 январь	
Қўйраб	Зангиота тумани иқтисодиёт коллежи	15-28 январь	15-16 январь	17-18 январь	19-20 январь	21-22 январь	23-24 январь	25-26 январь	27-28 январь	



